

ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳайдарова Сурайё Абдусаломовна

Жиззах давлат педагогика университети

Аннотация. Мазкур мақолада компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган таълим – ўқувчиларнинг назарий олган билимларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш имкониятини шакллантириш ҳақидаги назариялар таҳлили келтирилган.

Калим сўзлар. Компетенция, узлуксиз таълим, фаол фуқаролик позиция, жаҳон таълими, ёндошув, таълим кластери.

Аннотация. В данной статье рассмотрены анализ теории образования, направленный на формирование компетентности - формирование возможности практического применения теоретических знаний обучающихся в их личной, профессиональной и общественной деятельности.

Ключевые слова. Компетентность, непрерывное образование, активная гражданская позиция, глобальное образование, подход, образовательный кластер.

Annotation. This article presents an analysis of educational theory aimed at developing competence - creating the possibility of practical application of students' theoretical knowledge in their personal, professional and social activities.

Keywords. Competence, continuing education, active citizenship, global education, approach, educational cluster.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим ва тарбияни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи компетенцияга асосланган ёндашув билан характерланади. Сўнгги йилларда жамиятимизда "компетенция" тушунчаси тадқиқотчиларининг диққат марказидаги масалага айланиб, уларни ўзлаштирилиши инсонга ижтимоий ва иқтисодий, маънавий ва маданий муносабатлари тизимида муваффақиятли фаолиятига, юқори ижодкорликка эга бўлишига, шунингдек, бутун ҳаёти давомида ўзини ўзи ривожлантиришга замин бўлувчи шахсий масъулият ва мотивация эканлиги таъкидламоқдалар. Бунинг учун инсон нафақат маълум бир билим, кўникма, тажрибалар тўпламига, балки бир қатор шахсий фазилатларга ҳам эга бўлиши, янги билим ва тажрибаларни ўзлаштиришга қодир бўлиши ва уни ўз ҳаётида амалга ошириши керак. Жаҳон таълим амалиётида компетенция тушунчаси марказий, ўзига хос "тугунча" вазифасини бажаради:

-биринчидан, компетенция - таълимнинг интеллектуал имкониятлари ва кўникмаларини бирлаштиради;

-иккинчидан, компетенция - шаклланадиган таълим мазмунини талқин қилиш мафкурасини ўз ичига олади;

- учинчидан, компетенция - интеграл хусусиятга эга бўлиб, у маданият ва фаолиятнинг кенг соҳаларини (ахборот, ҳуқуқ, ижтимоий, иқтисодий ва

ҳ.к.) бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган бир қатор кўникма ва билимларни ўзда мужассамлаштиради¹.

Миллий таълимни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи компетенцияга асосланган ёндашув билан узвий боғлиқ бўлиб, бу моҳиятан таълимдаги назарий билимлар базаси билан касбий ва амалий фаолиятнинг долзарб эҳтиёжлари ўртасида мутаносибликни таъминлашга қаратилган муҳим ижтимоий масаладир. Ушбу концепциянинг генезисини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этиб, "компетентлик" тушунчасига эътибор қаратамиз.

"Компетенция" тушунчаси биринчи марта 1975 йилда Н.Хомский томонидан - тил назарияси билан боғлиқ ҳолда муомилага таклиф этилган бўлиб ва шу вақтдан бошлаб кўплаб олимлари асарларида қўлланила бошланган. Тадқиқотчи И.А.Зимней компетенцияга "инсоннинг интеллектуал шахсий аниқланган ижтимоий ва касбий фаолияти" -деган таърифни берган бўлса, бу соҳада илмий тадқиқот олиб борган В.И.Байденко ва Б.Оскарссонлар компетенция тўғридан-тўғри келажакдаги мутахассисларнинг шахсий ва асосий кўникмалари деган назарияни илгари суришган. А.М.Новиков ва Д.А. Новиковлар компетенция бу - ҳаддан ташқари профессионализм ва асосий малакалар мажмуидир деган. С.Е.Шишов компетенция одамнинг билим ва қадриятларга мойиллигига асосланган умумий қобилияти бўлиб, бу билим ва вазият ўртасида боғлиқлик ўрнатган ҳолда мавжуд муаммога мос тартибда ҳаракат қилишган имкон беради деган бўлса, Ж.Равен эса компетенция бу -"Муайян мавзудаги аниқ ҳаракатни самарали бажариш учун зарур бўлган ўзига хос қобилият ва юқори ихтисослаштирилган билим, субъектнинг махсус кўникмалари, фикрлаш услублари, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни англаш" - деган илмий фаразни илгари сурган. В.И. Байденконинг фикрича компетенция - "Билим, тажриба, мотивация ва қадрият йўналишлари асосида муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини белгилайдиган шахснинг ажралмас сифати"- деб эътироф этади. Тадқиқотчи М.В.Рыжаков қарашига кўра компетенция - "Талабанинг маълум ижтимоий ва шахсий муҳим соҳадаги фаолияти тажрибаси билан шартланган шахсий фазилатлари (қиймат-семантик) йўналишлари, билимлари, қобилиятлари ва кўникмаларидир". Л.Е.Курнешова назариясига кўра "Муайян жамият учун муҳим муаммоларни

¹ Бахир М. А., Ильинский, С. В. Олимпиада школьников по географии как одна из форм оценки географической компетентности учащихся / М.А. Бахир, С.В. Ильинский // География в школе. – 2014. – №5. – С. 61-63; Бахир М. А. Оценка географических знаний как компонента географической компетентности учащихся / М.А. Бахир // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. – 2013. – № 161. – С. 238-244.

ҳал қилишга қаратилган ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш натижасида одамга берилган хусусият: Билим, кўникма, қобилият, мотив, қадрият ва эътиқодлар компетенциянинг мумкин бўлган таркибий қисмлардир”.

Тадқиқотчиларнинг ушбу назария ва илмий фаразларини таҳлили шуни кўрсатадики, улар томонидан ўрганилган концепциянинг тузилиши алоҳида таркибий қисмлар ва муҳим жиҳатларини ўз ичига олади, бироқ концептуал аҳамиятга эга бўлган таркибий-мазмунли интеграл тушунишни англамайди.

Бизнингча "компетенция" моҳиятини тушуниш ва қўллаш учун тизим интеграцияси (комбинаториал) ёндашуви масаласига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Компетенция шунчаки шахснинг маълум шартли билим ва кўникмалар тўплами эмас. У ҳар қандай танланган фаолият соҳасида шахсни муваффақият ва самарали фаолиятига ҳисса қўшадиган хатти-ҳаракатлар мажмуи ва индивидуал хусусиятлар фаоллигидан иборат бўлиб, у-ўқувчининг мактабда ёки дарсликда берилган маълумотлар базаси билан чекланиб қолмасликни, қўшимча адабиётлар бинан ишлаш ва ундаги зарурий маълумотларни филтр қила олиш кўникмасини англатади.

Шундан келиб чиққан ҳолда ва "ёндашув" ва "компетенция" тушунчаларининг таърифларига асосланиб, биз "компетенцияга асосланган ёндашув" категориясини қуйидагича изоҳлашимиз мумкин - бу таълим мақсадларини аниқлаш, таълим мазмунини танлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва таълим натижаларини баҳолашнинг умумий тамойиллари мажмуидир.

Республикамизда компетентликка асосланган таълим ёндашувнинг пайдо бўлиши, мамлакатда таълимга бўлган муносабатнинг ўзгариши, мавжуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитларни бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ ташкил этилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Чунки компетенцияга асосланган ёндашув янги, истиқболли мақсадлар ва касб-хунар таълими натижаларини баҳолашга қаратилган бўлиб, шу билан боғлиқ ҳолда у ўқув жараёнининг бошқа таркибий қисмларига, яъни мазмунига, педагогик технологияларига, назорат ва баҳолаш воситаларига ўз талабларини қўяди.

Тадқиқотчи И.А.Зимняянинг таъкидлашича, таълим жараёнида компетенцияга асосланган ёндашувни шакллантириш уч босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич - 1960 йилдан 1970 йилгача бўлган таълим соҳасидаги компетенциявий ёндашувни шакллантириш босқичи бўлиб, "компетенция" тоифасини илмий муомалага киритиш, "компетенция" ва "компетентлик" каби тушунчаларни фарқлаш учун зарур шартларни яратиш

хамда “коммуникатив компетенция” тушунчасини жорий этиш даври бўлган¹.

Иккинчи босқич - 1970 йиллардан 1990 йиллар оралиғида тилларни ўқитиш назарияси ва амалиётида “компетенция” тоифасининг пайдо бўлиши, менежмент ҳамда “ижтимоий компетенция” тушунчасини муомалага киритилиш даври бўлди.

1970 йилларда АҚШда пайдо бўлган компетенция таълими хорижий ва маҳаллий ўқитувчилар, психологлар ва тилшуносларнинг профессионал кизиқишини уйғотади. Шундай қилиб, машғулотлар маҳаллий педагогикада катталар компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, Н.В.Кузмина “ўқитишда компетенция”, Л.А.Петрова “коммуникатив компетенция”, А.К.Маркова “ўқитувчининг касбий тузилишини белгиловчи компетенцияси”, Л.М.Митина “ўқитувчининг ижтимоий-психологик ва коммуникатив жиҳатларини ўрганиш компетенцияси”ни назарий ва амалий жиҳатдан ўргандилар. Ж.Равен тадқиқотлар алоҳида эътиборга молик бўлиб, унда инсон фаолияти турига боғлиқ бўлмаган компетенция модели ишлаб чиқилган. Ушбу компетенция моделининг ўзига хос хусусияти шахсни қиймат-мотивацион устувор аҳамиятини тан олишдир. Ишда компетенция “кўп сонли таркибий қисмлардан ташкил топган ва бир-биридан нисбатан мустақил бўлган мураккаб ҳодиса ...” эканлиги кўрсатилган.

Учинчи босқич – 1990 йиллардан 2000 йилларга қадар компетенцияни илмий категория сифатида ўрганиш билан боғлиқ даврдир². XXI асда таълим бўйича ЮНЕСКО халқаро комиссиясининг президенти Ж.Делорнинг нутқида таълимга асосланган бўлиши керак бўлган тўртта асосий масала юзасидан гапириб жумладан шундай дейди - “Фақатгина касбий малакаларни эмас, балки янада кенг маънода - турли хил вазиятларга дош беришга ҳамда гуруҳда ишлашга имкон берадиган компетенцияни эгаллаш учун нима ва қандай қилишни ўрганиш” .

Илм-фанда қатор ютуқларга эришган айрим мамлакатларнинг таълимдаги компетейцион ёндашувини таҳлил этадиган бўлсак ўтган асрнинг иккинчи ярмида россия олимлари парадигма, илмий ёндашув ва комбинация нуқтаи назаридан ўрганилаётган концепциянинг талқинига дидактик-услубий позицияда психологик жиҳатдан ҳам маълум натижаларга эришган. Бу борада тадқиқотчи А.К.Маркованинг “касбий компетенция”ни психологик факторларини ёритиб берганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

¹ Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. 2003. № 5. С. 3—10.

² Зимняя И.А. Иерархическо-компонентная структура воспитательной деятельности // Воспитательная деятельность как объект анализа и оценивания: [сборник] / под общ. ред. И.А.Зимней. Москва, 2003.

АҚШда 1960 йилдан бери америкалик тадқиқотчилар таълим натижаларини битирувчиларнинг хулқ-атвори ва ўзлаштирган билимларини амалда қўллаш қобилияти билан боғлиқ илмий кузатишларни олиб борганлар. Бундан кўзланган мақсад ўқув жараёнида шаклланган тайёргарлик ва юқори мотивация туфайли битирувчилар амалиётда мутахассис сифатида қобилиятларини намоён этаолишлиги ўрганилган. Америкалик олимлар когнитив компетенция ва мотивацион тенденциялар ўртасидаги муносабат "... инсоннинг атроф-муҳит билан самарали ўзаро алоқасини таъминловчи омил" - деб таърифладилар ва битирувчиларнинг шахсий хусусиятлари орасида компетенциядан ташқари "компетенция мотивацияси" ҳам бўлиши керак, деган тахминни илгари суриб, у шаклланган қобилият натижаси деган илмий фарзни илгари суришган.

Буюк Британияда 1980 йилдан таълим тизимида компетенция атамаси билан параллел равишда функционал ёндашув тушунчаси кенг ишлатилиб келинади. Функционал ёндашув, авваламбор, яхлитлик ва тизимлилик тушунчаси билан тавсифланиб, билимларни бирлаштириш, битирувдан сўнг профессионал сифатида касбий кадрият ва кўникмаларни англаш ҳамда амалиётда самарали қўллаш олишни акс эттиради. Олинган таълим натижалари сифатини баҳолаш доирасида "компетенция" атамасини талқин қилишнинг инглизча мазмун-моҳияти одатда америка тушунчаси билан таққослаганда анча кенгдир¹.

Франция таълим тизимида 1990 йилдан бери кўп ўлчовли ёндашув кенг қўлланилиб келинади. Францияда компетенцияга асосланган ёндашув қоидаларини шакллантириш мантиғи (бу кўпинча кўп ўлчовли деб номланади) икки хил йўналишда: шахсий ва жамоавий бўлиб, ҳар бир талабанинг хулқ-атворини хусусиятларига йўналтирилган ва жамоа ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компетентлик моделини шакллантиришга қаратилган. Таърифланган ёндашувнинг кўп ўлчовлилиги у ёки бу кутб томон тортишиш ва ҳар хил кўламларни қуришни талаб қиладиган мукамал компетенцияларни шакллантиради.

Германия таълим тизими 1990 йиллардан бошлаб бошқалардан фарқли равишда дастлаб ҳаракат компетентциясига йўналтирилди. Ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у асосий эътиборни касбий тайёргарлик тизимининг ўқув дастурларига қаратди. Ҳар бир ўқув режа бошида ҳар бир предметга хос бўлган ва асосан ўқишнинг устувор йўналишларини, шунингдек, ассимиляция қилиш учун режалаштирилган билим, кўникма ва малакаларни белгилайдиган компетенциялар тўплами

¹¹ Звонников В.И., Чельшкова М.Б. Контроль качества обучения при аттестации: компетентностный подход: учебное пособие. Москва: Университетская книга, Логос, 2009. С-22-24.

жойлаштирилади. Стандарт ваколатлар типологияси таълим муассасалари битирувчиларининг келажакдаги касбий фаолияти соҳасига йўналтирилган ва предметли, шахсий ва ижтимоий компетенцияларни ўз ичига олади³.

Хорижий давлатларнинг компетенцияга оид илмий назарий ёндашувлари тажрибасини таҳлил этар эканмиз функционал ва кўп ўлчовли компетенциялар АҚШ таълим соҳасидаги "хулқ-атвор ёндашуви" компетенцияси таъсирида остида шаклланганлигини кузатиш мумкин. Франция ва Германияда ўзига хос илмий тафаккурнинг ривожланиши билан "компетенцияга асосланган ёндашув" янада яхлит тузилишга эга бўлиб, унда билим, кўникма, малака, хулқ-атвор ва мотивацион жиҳатлар билан мукамаллаштирилиб, компетенцияларни умумий кластер тузилишининг таркибий қисмлари сифатида киритилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Usarov, J. E., Eshnaye, N. J., & Haydarova, S. A. (2020). Defects in scientific research of the problems of spiritual and moral crisis and its solution. *IEJRD-International Multidisciplinary Journal*, 5(8), 6.
3. Haydarova, S. (2021). Geografiyani o'qitishda kompetensiyaviy yondashuvning tatbiq etishning o'quvchi psixologiyasi bilan bog'liq jihatlari. *Журнал естественных наук*, 1(1).
3. Haydarova, S. (2021). Фанни компетенциявий ёндошув асосида ўқитишнинг ўқувчи ёш психологик хусусиятларига боғлиқ жиҳатлари. *Журнал естественных наук*, 1(1).
4. Haydarova, S., Kuldashева, S., Abdullayeva, S., & Shokhrukh, K. (2021). Modern Technologies in Improving the Quality of Teaching. *Журнал естественных наук*, 1(1).
5. Nazarovna, T. Z., Azamkulovich, D. F., Jurayevna, M. N., & Abdusalomovna, H. S. (2016). Mortality and life expectancy rates of population of the Republic of Uzbekistan in the years after independence. *European science review*, (3-4).
6. Haydarova, S. (2021). methods of assessing the practical competence of schoolchildren (on the example of geography). *Журнал естественных наук*, 1(1).
7. Haydarova, S. (2021). O'QUVCHILARNING GEOGRAFIK KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA PEDAGOGIC-PSIXOLOGIK YONDOSHUV. *Журнал естественных наук*, 1(3).
8. Усаров, Ж. Э., & Хайдарова, С. (2021). Фанни компетенциявий ёндошув асосида ўқитишнинг ўқувчи ёш психологик хусусиятларига боғлиқ жиҳатлари. *Science and Education*, 2(Special Issue 1), 266-275.
8. Haydarova S., Usarov J., Eshnaye N. defects in scientific research of the problems of spiritual and moral crisis and its solution //Журнал естественных наук. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
9. Haydarova S. GEOGRAFIYA FANI O'QITUVCHISI KOMPETENTLIGI VA UNING ZAMONAVIY TALABLARI //Журнал естественных наук. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
10. Nazarovna, T. Z., Azamkulovich, D. F., Jurayevna, M. N., & Abdusalomovna, H. S. (2016). Mortality and life expectancy rates of population of the Republic of Uzbekistan in the years after independence. *European science review*, (3-4).
11. Eshbekovich U. J., Jumayevich E. N., Abdusalomovna H. S. Defects in scientific research of the problems of spiritual and moral crisis and its solution //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 8. – С. 6-6.
12. Khaydarova, S. A. (2022). FORMATION OF PRACTICAL COMPETENCES OF SCHOOLCHILDREN IN GEOGRAPHY. *Journal of Geography and Natural Resources*, 2(01), 50-57.
13. Usarov, J. E., Khimmataliev, D. O., Makhmudova, D. M., Abdusalomovna, H. S., & Nizamiddinovich, E. A. (2023). Pedagogical Foundations of the Student's Individual Training Trajectory. *Telematique*, 22(01), 1259-1264.

³³ Звонников В.И., Челышкова М.Б. Контроль качества обучения при аттестации: компетентностный подход: учебное пособие. Москва: Университетская книга, Логос, 2009. С-25-26